



iScience™

АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

Выпуск 3(35)

Часть 1

**Переяслав-Хмельницкий
2019**



АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ

XXXV Международная научная конференция
26-27 марта 2019 г.

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

ВЫПУСК 3(35)

Часть 1

Переяслав-Хмельницкий

2. Kuznetsov V. N. Idelogoiya. Sotsiologicheskii aspekt. – M.: Kniga i biznes. 2005. – S. 53
3. Friedrich C., Brzezinski Zb. Totalitarian Dictatorship and Autocracy. Cambr., 1956. – P.44

**Назиров Бахтиёр Сафарович, Бозаров Нуралибек Саидмурод ўгли
(Денау, Ўзбекистон)**

ЯХЁ ҒУЛОМОВИЧ ҒУЛОМОВ - ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИ АСОСЧИСИ

Ўзбекистон ҳудудида археологиянинг ривожланиши XIX аср охири – XX аср бошларида олиб борилган археологик изланишлар натижасида ривожланиб борди. Ўрта Осиё халқларининг қадимги моддиймаданият ёдгорликларини ўрганишда дастлабки қадамлар қўйилди. Шунинг қайд этиш лозимки, ўлкани тадқиқ этишга оид биринчи қадамлар XIX асрнинг охиридан бошлаб қўйилган эди. Дастлаб бу иш билан ҳаваскор ўлкашунослар ва коллекционерлар шуғулланганлар.

В. В. Бартолднинг ташаббуси билан Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги тузилиб, Археология ишлари шу тўғарак назоратида олиб борилади. Аммо археологик ёдгорликларни ҳали ҳар томонлама, кенг ўрганилмаганлиги ҳамда топилмалар яхши аниқланмаганлиги сабабли бу вақтда ибтидоий ва ундан кейинги илк даврлар мутлақо ёритилмади. Бироқ бу асосан мутахасис бўлмаган, ёлғиз кишиларнинг сай ҳаракатлари эди. Кўплаб қадимги ёдгорликлар осори атиқалар билан савдо қилувчи савдогарлар томонидан талон – тарож қилинди ва чет – элларга сотиб юборилди.

1895 йилда В.В. Бартолд раҳбарлигида Туркистон ҳаваскор-археологлар тўғараги ташкил этилди, у 1917- йилгача фаолият кўрсатди. Тўғарак дастлаб Ашхабодда ташкил қилиниб, кейинчалик Самарқандга кўчирилган. Тўғаракга турли касб эгалари аъзо бўлган. Улар ўлкадаги археологик ёдгорликларни ўрганиш ишига эътибор берганлар. 1896 йилда Тошкентда тўғарак музейи ташкил қилинди. Тўғаракда маҳаллий ҳаваскорлардан Ақром Полвон Асқаров, Мирза Бухаров, Мирза Абдулин, Хафиз, И. Мирмуҳамедовлар фаол иштирок қилганлар. Тўғарак аъзолари турли ҳудудлардан археологик материаллар тўплаганлар.

Маҳаллий халқ ўртасида ўз ватанининг ўтмиш ёдгорликлари билан қизиқувчи Акрамполвон Асқаров, Мирза Абдулла Бухорий, Муҳаммад Вафо каби қадимги буюмлар ҳамда чақа-тангаларни тўпловчи ҳаваскор ўлкашунослар пайдо бўлди. Бу даврда Туркистон археологияси ҳаваскорлик даражасида бўлиб, турли хил (кўпроқ нумизматикага доир) топилмаларни тўплашдан иборат бўлган.

Ўзбекистонда археология фанини ривожлантиришда Ўрта Осиё давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ да) археология кафедрасининг очилиши (1940), ЎзФА Археология бўлимининг ташкил этилиши (1943) катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистонда археологиянинг ривожланишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олим сифатида, Ўзбекистонда тарих ва археология соҳалари бўйича ўзига хос байналмилал илмий мактаб яратган Яхё Ғуломович Ғуломов

1908-йилда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топди. Ўзбеклар орасида биринчи мутахассис археолог бўлиб, унинг илмий фаолияти 1933-йилда Ўзбекистон қадимий ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш кўмитасида бошланган эди. Ёш мутахассисдаги ташкилотчилик қобилияти, археология фанига бўлган фидойилик, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан талабчанлик, ҳаётда ва илмдаги принципиаллик, ҳалол ва поклик ўша пайтдаёқ Ўзбекистон ФА раҳбарияти эътиборини ўзига тортди. Яхё Ғуломов ЎзР ФА Археология институти қадимги ва ўрта асрлар тарихи бўлими бошлиғи, шу билан бирқаторда ЎзР ФА Тарих ва археология институти директори сифатида ҳам фаолият кўрсатган. 1966 йилда Ўз ФА нинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

1966-йилда Тошкент шилзиласи оқибатларини тугатиш бўйича шаҳарда бошланган улкан қурилишлар муносабати билан Яхё Ғуломовнинг саяий ҳаракатлари натижасида Тошкентнинг Археологик обидаларини қайд этиш ва ўрганиш мақсадида махсус Тошкент археологик экспедицияси ташкил этилган. У Тарих ва археология институтининг бўлим бошлиғи лавозимида то умрининг охирига қадар ишлади.

Истеъдодли тадқиқотчи ва ташкилотчи, ўзбек археология мактаби асосчиси Яхё Ғуломов томонидан археологик ёдгорликларни ўрта асрлар ёзма манбалари билан солиштирган ҳолда режали тадқиқ этиш, Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихининг бир қанча долзарб муаммоларини ечишга имкон берди.

Яхё Ғуломов бошчилигида Ўзбекистон археология экспедициясининг кўп сонли отрядлари Зарафшоннинг қуйи оқимида, Самарқанд минтақасида, Фарғона водийсида ва Тошкент воҳасида, шунингдек, янги ўзлаштирилаётган ерларда, ирригатсия қурилишлари зоналарида, Чимқўрғон, Жанубий Сурхон ва Туя бўғиз сув омборлари, Чорвоқ ГЭС қурилишида, Аму – Бухоро ва Аму – Қарши каналлари, кейичалик эса Марказий Фарғона канали трассасида дала ишларини олиб бордилар. Я.Ғуломовнинг Ўзбекистон сўғорилиш тарихига оид илмий ишлари ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг асоси бўлиб хизмат қилиб, халқ хўжалиги соҳасида ҳам муҳим аҳамият касб этди. [2]

Фикримизнинг далили сифатида шуни таъкидлашимиз лозимки, 1959-йилда академик Яхё Ғуломов томонидан ёзилган “Хоразмнинг сўғорилиш тарихи” асари орқали ўша давр ирригатсия соҳасининг қай йўсинда йўлга қўйилганлигини атрофлича билиб олишимиз мумкин. Ушбу тадқиқотлар натижасида бир нечта деҳқончилик воҳаларининг инқирози фақатгина ижтимоий-сиёсий сабаблар билан эмас, балки аҳоли деҳқончилик хўжалиқларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган сабаблари ҳам очиб берилди. [2]

Республикада археология соҳасидаги деярли барча ташаббуслар, экспедициялар ҳамда разветкаларнинг ташкил этилиши Яхё Ғуломов номи билан боғлиқ. Археология соҳасига у ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшди. Унинг қадимий ирригатсияни ва ердан фойдаланишни ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлари натижалари, Зарафшон, Қашқадарё каби қадимги сув манбаларининг режимини тадқиқот этишга оид хулосалари “ўз қимматига кўра тенги бўлмаган, асос солувчи” натижалар сифатида баҳоланди. [5]

Яхё Ғуломов илмий ходимлар тайёргарлигига катта ҳисса қўшган. Жонкуяр ва фидойи олим ўз фаолияти давомида кўплаб ёш шогирдларга

устозлик қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида бир қанча академиклар, ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди. Ўзбекистондаги энг таниқли археологлардан ҳисобланган академиклар: Аҳмадали Асқаров, Ўткир Исломов, ва А. Мухаммаджанов шунингдек, нумизмат ва шарқшунослар Исоқов, Эрназароваларнинг дастлабки илмий фаолияти бевосита Яҳё Ғуломов номи билан боғлиқ.

Таниқли олим археология ва тарихшуносликнинг долзарб масалаларига оид кўплаб монография ва рисолалар, илмий мақолалар муаллифидир. Монографиялар ва услубий кўлланмалар билан қўшиб ҳисоблаганда олимнинг қаламига мансуб 100 дан ортиқ илмий ишлар мавжуд. Яҳё Ғуломовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожланишига хусусан, ўзбек археологиясини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. 1988-йилда Ўрта Осиё минтақасида ягона бўлган Археология институтига унинг ташкил этилишида ўзининг катта ҳиссасини қўшган олим, Яҳё Ғуломов номи берилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз лозимки, ҳозирги кунда энди етишиб чиқаётган ёш мутахассис археологлар учун Яҳё Ғуломов яратган асарлар ўзига хос дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Яҳё Ғуломов 1977-йилда 69 ёшида Тошкент шаҳрида оламдан ўтди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 11-жилди, 242-243-бетлар
2. Ғуломов Й. Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент. 1959-йил
3. Кабилов А., Сағдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. – Тошкент, 1990.
4. Арциховский В. В Археология асослари. – Тошкент, 1973.
5. Гулямов Я. Г., Исломов У, Асқаров А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. Тошкент 1966.

**Назирова Бахтиёр Сафарович, Тошмуродова Сарвиноз Қувондиқ қизи
(Денау, Ўзбекистон)**

АМИР ТЕМУР ШАХСИНING ЕВРОПАДА ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ

Евроосиёнинг бепоён ҳудудларини ўз ичига олган улкан ва қудратли Темурийлар давлати наинки Ўзбекистон, Ўрта Осиё, балки бутун жаҳон халқлари тарихида муҳим сифат ўзгаришларини бошлаб берган. Мазкур давлатнинг вужудга келиши, ривожланиши бевосита унинг асосчиси ҳисобланган шахс Амир Темур номи билан боғлиқдир.

Амир Темур (1336-1405) – буюк давлат арбоби, машҳур саркарда, кучли марказлашган давлат асосчиси, илм фан ва маданият ҳомийси сифатида нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун Европада ҳам доврўф қозонган. Амир Темур моҳир дипломат ва сиёсатчи эди. Европада “Тамерлан” номи билан машҳур бўлган Амир Темур ўз даврида шарқ ва ғарб ўртасидаги савсо-сотик муносабатларини ҳар томонлама ривожланишига катта этибор берди. У Византия, Венетсия, Генуя, Франция, Англия билан, яъни ўша даврда машҳур бўлган Европа давлатлари билан иқтисодий ва сиёсий алоқа ўрнатиш ва